

Суд томонидан моддий ҳамда процессуал қонун талаблари бузилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2009 йил 11 сентябрдаги ҳукмига асосан Б. Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан, 1 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 3 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган, Б.нинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисмининг «в» бандидан шу кодекс 168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандига асосан жазо тайинланмаган. Б.нинг эҳтиёт чораси бекор қилиниб, қамоқдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Б.нинг ҳаракатлари асосиз равишда Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилгани сабабли суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан судда кўриш учун юбориш масаласида протест билдирган.

Суд ҳукмига кўра, Б. Касби тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлинмаси инспектори лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 майдаги «2009 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 1111-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ички ишлар бўлими бошлиғининг 2009 йил 23 майдаги 58-рақамли буйруғи билан туман «Фазли» вақтинча дон қабул қилиш масканига

ғалла ўрим-йиғим даврида жамоат тартибини сақлаш, бошоқли дон экинлари ҳосилини ўғриланиши, талон-торож қилинишини олдини олиш учун бириктирилганидан фойдаланиб, Ж. раҳбарлик қилиб келаётган фермер хўжалиги дала майдонидан ўриб-йиғиб олинган 3120 кг 3-нав буғдойни тумандаги «Фазли» вақтинча дон қабул қилиш масканига топширмасдан, уйига олиб бориб қўйгани 2009 йил 5 июль куни аниқлаган. Ушбу ҳолат юзасидан Б. Ж.ни ҳужжат расмийлаштириш билан қўрқитиб, товламачилик йўли билан 200.000 сўм пора талаб қилган. 2009 йил 13 июль куни Б. Қарши шаҳри «Ўзбекистон» шоҳ кўчасида Ж.дан 200.000 сўмни пора тариқасида олган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Суд жабрланувчи Ж.нинг дастлабки тергов ва суддаги, гувоҳлар С., Ж. ва Ж.нинг дастлабки терговдаги Б. ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Т. Ж.дан пора талаб қилишгани ҳақидаги, Б.нинг дастлабки терговдаги кўрсатмаларини, Б. ва Т.ни Ж. билан ўртасида диктофон орқали дискка ёзиб олинган сўзлашувларини эътиборга олмаган, иш бўйича барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширмаган, Ж.нинг қонунга ҳилоф равишда буғдойни дон қабул қилиш масканига топширмаган ҳолати юзасидан қайси мансабдор шахс манфаат кўриши исталганлигини, Ж.дан ким ва қанча миқдорда пора талаб қилганлигини атрофлича текширмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-бандида, пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга оширадиган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва ваколатлар, шунингдек, айбдор ишлаётган

ташкилотнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳокимият вакили – Касби туман ички ишлар бўлими инспектори Б.нинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишда, Б. “Фазли” дон қабул қилиш масканига бошоқли донни ўриб-йиғиб олиш даврида масъул этиб тайинланганидан фойдаланиб, Ж.нинг фермер хўжалиги ҳисобига 3120 кг. буғдойни хужжатлаштиришга тўсқинлик қилиб, ушбу буғдойни фермер хўжалиги ҳисобига кирим қилиниши эвазига пора бермаса, жиноий жавобгарликка тортиш билан кўрқитиб, 200.000 сўм пора талаб қилиб олганига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2010 йил 8 апрелдаги ажрими билан Б.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2009 йил 11 сентябрдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2009 йил 3 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, Б.га нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб у қамоққа олинди, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилди.

Иш бўйича судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътибор қаратилиши, келгусида кўриладиган ишлар бўйича чиқариладиган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш, уларни ҳал этишда моддий қонун нормаларига қатъий риоя этилишига эришиш юзасидан хусусий ажрим чиқарилди.

ЖСХ-66-10-назорат иши